



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ




Педагогика фанлари доктори, профессор
Сафо Матчоновнинг 70 йиллигига бағишланган

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

(Илмий-амалий анжумани материаллари)

2017 йил 27 январь



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Педагогика фанлари доктори, профессор
Сафо Матчоновнинг 70 йиллигига бағишланган

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

(Илмий-амалий анжумани материаллари)

2017 йил 27 январь



ТОШКЕНТ-2017

Кошгар ва Хўжан ҳокими ҳам бекларнинг маҳкам оёққа туриши билан зарф олди.

Андижон босқинчилари йўқотилгач, Бобур ота мерос мамлакатни бошқариш, уни ободонлаштириш билан чекланса бўларди. Лекин Бобу амакилари ҳукмдорлик қилаётган Самарқанд сари йўл олади ва шаҳарни қама қилади. Бу пайтда шаҳар ҳокими бўлган Султон Али ўртадаги қариндошлик в дўстликни кўйиб, Бобурдан иттифоқчиликни сўрайди. Бобур унинг илтимосини эътиборга олади, лекин тез орада Самарқанд Султон Алининг акаси Бойсунғу Мирзо кўлига ўтади. 1497 йилда, яъни 14 ёшида Бобур мингга яқин киши билан Самарқандга отланади. Бобурнинг Андижондан кўшин тортиб Самарқандга қайта келишининг боиси нимада эди? Унда амакиси Султон Аҳмад мирзо ўлиб кетган бўлса-да, ундан ўч олиш, мамлакатни эгаллаш важоҳати бор эди.

Бунинг туб асоси Самарқанд Амир Темурнинг пойтахти бўлганлигидир. Шу сабабли Бобур ҳам, бошқа темурийзода ҳукмдорлар ҳам шаҳарни эгаллашни орзу қилишар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил, 56-бет.

ОЛИЙЖАНОБ ҒОЯЛАР БЕТАКРОР БАДИИЙ ШАКЛЛАРДА.

Иқбол БОЛТАЕВА,

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини, ф.ф.н.доц.

Биз халқ эпосини миллий ва маданий кадриятлар деб биламиз. Уларни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга интиламиз. Шунинг учун ҳам халқнинг бой мероси асрлар оша бизнингҳозирги талаб ва эҳтиёжларимизга, мустақил юртимиз фуқароларининг маънавий ташналикка ҳозиржавоб сарчашмалик вазифасини ўтамоқда. Бу улардаги гўзал ва олийжаноб ғоялар ҳамда мафтункор бадиият туфайлидир.

Инсон бадиий тафаккури тараққиёти воқеликни ранг – баранглиги, ҳар бир нарсанинг ўзига хослиги билан кўриш иқтидорининг пайдо бўлишига олиб келган. Бошқача айтганда, Аждодларимиз моддий оламдаги нарсаларнинг етакчи белги-сифатларини тўғри илғаш, улар ўртасидаги тафовутларни фарқлаш воситаси сифатида эпитет деб аталмиш поэтик ходисани кашф этди. Ана шундан бошлаб бу ходиса воқеликни қайта ижодий яратиш жараёнида фаол қўлланиб келинади.

Ўзбек халқ эпоси хазинасида шундай эпитетлар борки, улар бир вақтнинг ўзида воқеликни ҳам қайд этиш, ҳам баҳолаш вазифасини адо этади. Ислон Назар ўғлидан ёзиб олинган “Зулфизар билан Авазхон” достони аввалидаги барча эпитетлар Чамбил шаҳрининг шон-шухрати, қудрати ҳақида маълумот берса, айти пайтда ушбу шаҳарнинг ажойиб тавсифини ифодалайди: “Саксон сардобали Чамбил, тўксон тўпхонали

Чамбил, ўн минг жевахонали Чамбил, оти овозали Чамбил, олтин дарвозали Чамбил”.

Ушбу эпитетларга диққат қилинса, уларнинг барчаси тавсиф учун хизмат қилган. Шундай экан Чамбилнинг бир-иккита эмас, балки саксон сардобали эканлиги унинг нақадар улканлигидан: бир-иккита эмас, балки тўксонта тўпхоналиги эса буюк қудратга эгалигидан далолат беради. Ушбу шаҳарга хос бошқа белги-сифатлар ҳам мана шундай муболағадор тавсифланган. Демак, бахшининг мақсади Чамбилга оид белги-сафатларни шунчаки қайд этиш эмас, балки уни васф этишдан ҳам иборат.

Достонларда баъзан баҳоловчи эпитетлар ўхшатишлар орқали ифодаланади. Фозил шоирдан ёзиб олинган “Гўрўглининг туғилиши” достонида ҳали ёш бола Гўрўгли билан Кўнғирбойнинг ўйнаб юрган пайтдаги шакл –шамойили ўхшатишли эпитетлар орқали тасвирланган: “Икки ёш бачча иккови бирдай бўлиб, очилган гулдай бўлиб, сайраган булбулдай бўлиб, бир-бири билан сўзлашиб, ошиқни ўртага ташлаб ўйнашиб, кўчалардаги ўзи билан тенг баччалар билан ҳам оз-мозгина таллашиб, сўкишиб юра бердилар”.

Баҳоловчи эпитетлар эпик қаҳрамонларнинг қурол-яроғини таърифлашда кенг қўлланади. Бунда эпитетлар орзу-умидларни рўёбга чиқариш талабига кўра, баҳодирларнинг қурол - яроғи оддий эмаслиги, аксинча, алоҳида материалдан ясалганини таъкидлаш вазифасини адо этади. “Далли” достонида Ҳасанхоннинг кўлидаги қиличи бир ўринда оддийгина қилиб “пўлат қилич” деб берилади:

**Пўлат қилич мард кўлида қатилиб,
Ботирларнинг танда жони сотилиб...**

Бирок эпик анъана беадад душманга қарши жангга киришган қаҳрамон кўлига “пўлат қилич” тутқазиш билан қаноат қилмайди. Шу боис бахши бошқа бир ўринда Ҳасанхоннинг кўлидаги қиличини иккита эпитет билан таърифлайди:

Силтайди исфиҳон кескир қиличди.

Гиркўк оти почасидан қон кечди...

Халқ достонларида эпик қаҳрамон келиб қўнадиган боғ, унинг таърифу тавсифларида ҳам баҳоловчи эпитетлар кўп истифода этилган. Масалан, Равшаннинг тасодифан келиб қўнган боғи таърифида ҳам баҳоловчи эпитетлар ўринли қўлланилган:

Гайри-гайри жойи келдим.найлайн.

Кун тушмаган сойга келдим.найлайн:

Баракалла фалакнинг гардишига.

Бир тилла саройга келдим.найлайн...

Атрофига қизил гуллар экилган.

Хазон бўп остига бари тўкилган.

Қаторланиб якка михлар кўмилган.

Шосула устига сувлар сепилган.

Баҳоловчи эпитетлар икки хил хусусиятга эга: уларнинг бири достондаги ижобий персонажлар тасвирида уларнинг ташқи кўриниши ва унга мос ички қиёфасини киши ҳавас қиладиган даражада гўзал, ёқимли қилиб

тасвирлашга хизмат қилса, бошқа ҳили дoston қаҳрамонларига қаршилиқ кўрсатувчи, фақат ёвуз ниятни кўзловчи персонажларни салбий жиҳатдан тасвирлашда қўлланилади. Эргаш Жуманбулбулнинг “Равшан” дostonидаги Зулхуморнинг канизи Оққиз тасвирида барча эпитетлар образнинг ҳам ташқи кўринишини, ҳам маънавий қиёфасини очишга хизмат қилган: “Оққиз шундай қиз эди: оти Оққиз, Зулхуморга нақ қиз, Оққиз ўзи оқ қиз, ўзи тўйган соғ қиз, ўрта бўйли чоғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқучи эмас соғ қиз, эри йўқ ўзи тоқ қиз, кўп калондимоғ қиз, яхши текис бўз болани кўрса эси йўқ аҳмоқ қиз, қора кўз, бодом қовоқ қиз, сирли сиёҳ қиз, ўзи семиз - туриши ёғ қиз...”. Ўрни билан бахши унинг характериға хос қусурларни ҳам енгил кулгу кўзғатиш орқали ифодалашга эришган.

Хуллас, ўзбек халқ дostonларида эпитетлар жуда унумли ва ўринли истифода этилган. Чунки образнинг жонли. ишонарли чиқиши, унинг тингловчи хиссиётиға таъсирининг миқёси маълум даражада асарда қўлланилган эпитетларининг фаоллиги билан белгиланади. Қолаверса, халқ дostonларида қўлланилган эпитетларнинг барчаси асарнинг гоъвий - бадиий қимматини ошириш, эпик персонажлар хатти-ҳаракатини, уларнинг асардаги воқеалар ривожидида тутган ўрнини холис баҳолашга хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Булбул тароналари. Беш жилдлик, 2-,3-жилд. – Т.: 1972.
2. Зулфизар билан Авазхон. –Т.: Фаъ, 1962, 29-бет.
3. Гўрўглининг туғилиши. –Т.: 1967, 58-бет.

“НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ” ЎГИТЛАРИ

Бобоназар МУРТАЗОЕВ, Термиз ДУ, ф.ф.и.
Шаҳноза НОРҚУЛОВА, Термиз ДУ, ўқитувчи

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойил ул-футувват” (“Саҳоват уфорининг севги шабадалари”) асари Абдурахмон Жомий (1414 – 1492) “Нафаҳот ул-унс мин ҳазорот ил-қудс” (“Пок зотлар манзилининг дўстлик ифори”) асарининг таржимасидир. “Бу китобни турк тилиға таржима қила олғаймумен?”-деган Навоий асарни таржима қилишдан олдин, бу борада анча тараддуд сезади. Навоий бу шарафли вазифани тўлиқ уддалайди ва Жомий назаридан четда қолган “Ҳинд машойихи шарҳи” ва “Турк машойихи зикри”ға эътибор қаратади. Дарҳақиқат, бу икки асар мундарижасида муштаракликлар билан тафовутлар кузатилади, жумладан, “Насойим ул-муҳаббат” (1496)да 770 та, “Нафаҳот ул-унс”да 616 та машойих хусусида маълумотлар жамланган.

“Насойим ул-муҳаббат”нинг Тошкент (2001) ва “Нафаҳот ул-унс”нинг Душанбе (1990) нашрлари муқоясаси қуйидаги ҳолатларни намоён этди. Баъзи сўфийлар таърифи келтирилган ҳабарлар айтарли бир хил, гоҳо эса сезиларли фарқлар учрайди. Навоий, чунончи, Жомийнинг басралик Ато ибн Сулаймон ҳақидаги ҳабарини ўзгаришсиз тўқис саклайди. Бу хил ўхшашликлар жуда кўп,

ГУЛЧЕХРА ФАЙЗУЛЛАЕВА, АКТАМ ХИММАТОВ. Адабий таълимга компетенциявий ёндашув.....	77
БАҲОДИР ҚЎЧҚОРОВ. “Девону Лугатит Турк” – халқ оғзаки ижодининг нодир манбайи.....	79
БОЛЖОН САПАЙЕВА. 4-синфда ертакларни ўрганиш жараёнида қайта хикоялаш турларидан фойдаланиш.....	81
ФЕРУЗА ОМОНОВА. Академик лицейларда Ойбекнинг “Навоий” романини ўрганилиши.....	83
НАСИБА ШУКУРОВА. Увайсий лирикасида давр ижтимоий муаммоларини ўрганишнинг интерактив методлари.....	86
ДИЛЗОДА ЮСУПОВА. Халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўқувчилар таълим –тарбиясидаги аҳамияти.....	88
УМИДА ШЕРМАТОВА. Адабиёт ўқитиш муаммолари ҳақида мулоҳазалар...90	90
ХИЛОЛА БОҚИЕВА. Синфдан ташқари ўқиш дарсларида халқ кўшиқларини ўрганиш орқалик қувчилар нутқини ўстириш.....	91
ИРОДА ЗИЯЙЕВА. 4-синфда табиат мавзусидаги асарларни ўрганиш орқали ўқувчилар нутқини ўстириш.....	93

АДАБИЁТШУНОСЛИК

БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВ. Сарлавҳа ва матн мутаносиблиги.....	95
АБДУҲАМИД ХОЛМУРОДОВ. Бадий ижод ва талқин муаммолари.....	97
Қ.ҲУСАНБОЕВА. Жажжи шеърлар тилсими.....	100
ТОЗАГУЛ МАТЁҚУБОВА. Армон юки залвори.....	104
ТОҲИР ХЎЖАЕВ. Навоийнинг “Сабъаи Сайёр” достонидаги баъзи тушунчалар талқинига доир.....	107
ДИЛАФРЎЗ ЖАЛИЛОВА. Ижодкор адабий портретини тўлдирувчи чизгилар.....	109
З. ҚОБИЛОВА, З. ТЕШАБОЕВА. Қуш тили бирла айтилган такаллум.....	111
СОФИЯ ЖУМАЕВА. Навоий асарларида инсонпарварлик ғоялари.....	113
ДУРДОНА ЗОҲИДОВА, ЮЛДУЗ ЭГАМБЕРДИЕВА. Навоий Фарход ва Мажнун образларининг қиёсий типологияси.....	116
ДИЛОРА РАЖАБОВА Бобур ҳукмдор шахснинг типик вакили ва унинг ўзига хос характери.....	118
ИҚБОЛ БОЛТАЕВА. Олийжаноб ғоялар бетакрор бадий шаклларда.....	120
БОБОНАЗАР МУРТАЗОЕВ, ШАҲНОЗА НОРҚУЛОВА. “Насойим ул-муҳаббат” ўғитлари.....	122
САЙЁРА РАҲМОНОВА. Translation of sonnets by shakespeare into uzbek.....	124
МАҚСУДА БЕРДИМУРОДОВА. Рожий Хоразмийнинг мадҳ ғазаллари.....	127
ГУЛНОЗА ЖЎРАЕВА. Анвар Обиджон шеърларининг тарбиявий аҳамияти.....	129